



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУДУДДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ.

Вахобжонов Дилмурод Дилшод ўғли

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14198213>

ARTICLE INFO

Received: 9 th November 2024
Accepted: 12th November 2024
Published: 21st November 2024

KEYWORDS

*профилактика
инспектори, маъмурий ҳудуд,
жамоат тартиби,
хавфсизлик, фаолият,
ташкил этиш, ҳамкорлик.*

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишлари, шакл ва усуллари ҳақида илмий-назарий фикрлар мушоҳада қилинган. Шунингдек, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва ушбу йўналишда ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ёритиб кўрсатилган.

Давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгунга қадар жамоат хавфсизлиги урф-одатлар, анъаналар ўзаро келишувлар асосида тартибга солинган. Меҳнат тақсимогининг юзага келиши, хусусий мулк ва синфлар пайдо бўлиши билан жамоат хавфсизлиги ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳамда давлат томонидан муҳофаза қилинадиган бўлди.

Инсоният тарихига назар соладиган бўлсак, қадимги даврлардан бошлаб хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзига хос алоҳида кучлар хизмат олиб борган. Ушбу соҳада яъни хавфсизликни таъминлаш масаласида хатоликларга йўл қўйишлар тарихдан маълумки, турли хил ҳалокатли ҳолатларни келтириб чиқарган яъни бутун бир шаҳарнинг ёнғин ўраб олганлиги, бутун бир минтақада одамларнинг касалланиш ёки захарланиш оқибати ёппасига вафот этганлиги ёки давлат раҳбарлари, бошқа мансабдор шахсларга суйиқасдлар уюштирилиши, кенг оммавий тартибсизликлар содир этилганлиги ва натижада бутун бир давлат бошқарув тизими издан чиққанлиги каби нохуш ҳолатлар бизга маълум[1].

Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ҳақида тўғридан-тўғри гапиришдан олдин, ҳар хил хавфсизлик турлари учун умумий тушунча вазифасини бажарадиган “**хавфсизлик**” категориясини мазмун-моҳиятини тушуниб олиш лозим[2].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “хавфсизлик” тушунчаси хавф-хатарнинг йўқлиги, хавф бўлмаган ҳолат сифатида талқин этилган.

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолияти – бу криминоген вазият таҳлили асосида маъмурий ҳудудда жойлашган жамоат жойларида ва объектларда жамоат хавфсизлиги ва

жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг олдини олиш.

«Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қиммати ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган, ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими».

«Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади»[3].

Демак, «жамоат тартиби» «жамоат хавфсизлиги»га қараганда кенгроқ тушунчадир. Бироқ, ўз ўрнида «жамоат тартибини сақлаш фаолияти» «жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти»га нисбатан тор тушунча бўлиб, у бевосита ички ишлар органларининг тегишли хизматлари томонидан амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятлари ҳам узвий боғлиқ. Негаки, жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш орқали жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Жамоат тартибини сақлаш, одамларнинг жамоат жойларида қонунга мос хулқ-атворда бўлишларини таъминлаш, жамоат жойларида, аҳоли пунктларида фуқароларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишларида тинчликни сақлашда профилактика инспекторларининг муҳим вазифаларни амалга оширади[5].

Жамоат тартиби тушунчасида, қуйидаги қисмларни ажратиб кўрсатиш зарур:

1. *Жамоат тартиби мазмуни* - одамларнинг жамоат жойлардаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ваноҳуқуқий характердаги ҳуқуқ ва қоидалар меёрларини бажариш ва уларга риоя қилиш натижасида йиғилиб бориладиган юриш-туришларида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.
2. *Жамоат тартибини бошқариш воситалари* – ноҳуқуқий характердаги (ахлоқ, урф-одатлар нормалари, хулқ-атвор маданият қоидалари) ҳуқуқий қоидалардир.
3. *Жамоат тартибини ўрнатиш ва қўллаб қуватлашдан мақсад* - фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғи, виждони, қадр-қиммати, бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат осойишталигини, давлат жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароитларни таъминлашдир[5].

Мустақил суверен давлатда жамоат тартибининг аниқ мустахкамланишини кафолатлаш - ижтимоий ва давлат тузумининг ҳақиқий демократияга асосланган ҳуқуқий кафолатлари, жамият ва шахснинг ажралмас бирлигидир.

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ўзининг муайян ҳуқуқий асосларига эга. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг юридик кучига кўра, қонунлар ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ажратиш мумкин.

Конституциямиз дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунлаштирди[6]. Ўтган йиллар ичида

Асосий қонунимизга таяниб, республикамиз ички ишлар органлари тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Жамоат тартиби соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўринни конституциявий нормалар эгаллайди. Ушбу нормалар давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя қилиш мажбуриятини юклайди, жумладан 71-моддага мувофиқ, «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади[7]. Махфий жамиятлар ва бирлашмалар ташкил этиш тақиқланади».

Шунингдек асосий қонунимизнинг 2-моддасида белгиланганидек, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул этиб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь Қонунлари милиция таянч пунктлари субъектларининг вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ҳамда бу борада ҳамкорликни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади[9].

Ҳозирги даврда улар фаолиятининг асосий, энг долзарб масаласи сифатида қуйидаги вазифалар илгари сурилган:

- жамоат тартибини сақлаш;
- фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлигини, шу жумладан йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- мулкчиликнинг барча шакллари, жамият ва давлат манфаатларини жиноий ва ноқонуний бошқа тажовузлардан ҳимоя қилиш.

Бу вазифаларни ҳал этиши жиноятчиликни, айниқса уни уюшган турларини ортиб бориши каби мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Бу шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш уни яъни бугунги кун талабларига жавоб берадиган концепциясини ишлаб чиқишни тақазо этди. жиноятчиликни ортиб бориш тенденциясини тўхтатиш, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳал этилишини тақазо этди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»[10]ги Қонуни профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида муҳим ролни ўйнайди. Мазкур қонуни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс жиҳатдан тартибга солувчи асосий ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўрт турини аниқ белгилаб берган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Профилактика инспектори хизмат кўрсатиш ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча турларидан ўз ўрнида фойдаланиши лозим[11]. Жумладан, мумуий профилактикада фуқароларни жамоат тартибини бузмасликка чақирувчи тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширсан, махсус профилактикада жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар кўпайганда махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш зарурати келиб чиқади, яқка профилактикасида жамоат тартибига қарши ва фуқароларнинг хавфсизлигига раҳна солувчи ҳуқуқбузарлик содир этган ёки шунга мойил бўлган шахслар билан яқка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни амалга оширади, виктимологик профилактикада эса ўз навбатида фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг жабрланувчиси бўлиб қолмасликлари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 й. – № 15. – 247-м.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2940-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.07.2019 й., 06/20/5773/0248-сон.

Кушбаков Д. Жиноят субъекти институтининг тартибга солинишига доир хорижий тажриба //Journal of Fundamental Studies. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 41-52.

Эгамбердиев В. Ички ишлар органларининг ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларининг профилактикаси фаолиятини ташкил этишда давлат органлари билан ҳамкорлиги //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 5-13.

Кушбаков Д., Эгамбердиев В. Фирибгарлик жиноятини барвақт профилактикасини такомиллаштириш масалалари //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 118-122.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2021 й., 06/21/6230/0473-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора - тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.08.2018 й., 07/21/5076/0347-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2021 й., 06/21/6165/0104-сон.

INNOVATIVE
ACADEMY